

**ТУНЖЕР ЖУЖЕНЎҒЛИ**

# **ҚИЗИЛИРМОҚ**

**(ҚОРА ҚЎЙ)**  
**(Kızılırmak)**

Муסיқали фожиа

Таржимон Ойбек Вейсал ўғли

**Tuncer Cücenoglu:**  
**[cucenoglutuncer@gmail.com](mailto:cucenoglutuncer@gmail.com)**  
**[tcucenoglu@hotmail.com](mailto:tcucenoglu@hotmail.com)**  
**[www.tuncercucenoglu.com](http://www.tuncercucenoglu.com)**

**Aybek Kopadze**  
**[aybekveysaloglu@mail.ru](mailto:aybekveysaloglu@mail.ru)**

## **ИШТИРОКЧИЛАР:**

<b>ХУСАЙИН ОҒА</b>	- Бек. 65 ёшда
<b>ҲАТЧИЧА</b>	- Бекнинг қизи. 18 ёшда
<b>ЗАҲРО</b>	- Хотини. 20 шда
<b>ШАБАН</b>	- Иш бошқарувчи. 35-40 ёшда
<b>АЛИ ОҒА</b>	- Бой оға. 60 ёшда
<b>МЕҲМЕТ</b>	- Ўғли. 25 ёшда
<b>САЛИМ</b>	- Чўпон. 25 ёшда
<b>ҚОРАҚҲЙ</b>	- Подадан бир қўй
<b>1. ҚАРИЯ</b>	- Мажлис аъзоси
<b>2. ҚАРИЯ</b>	- Мажлис аъзоси
<b>3. ҚАРИЯ</b>	- Мажлис аъзоси

**1. ОДАМ**

**2. ОДАМ**

**БОЛА**

**ПОДА** - ( Болалар, аёл ва эркеклар, бош ва устларида қўй пўстинлари ёпилган. Худди подадаги қўйлар сингари. Аёлларнинг баъзилари рўмол билан ёпинган.)

**ИККИТА ЧЎПОН ИТЛАРИ** - (Иккита барзанги йигит. Итнинг пўстини устига ташлаб олган.)

**ҚАБИЛА ХАЛҚИ ВА БОШҚАЛАР**

**Вақт :** 1870 йиллар

**Манзил:** Онадўлу

**Мавсум:** Баҳор ва ёз ойлари ораси

*Пода ўтламоқда... Икки чўпон ити, икки томондан подани қўриқламоқда. Салим чўпон подани кузатиб, бир четда ўтириб, ўйланмоқда... Узоқлардан Қизилирмоқнинг шовиллаб оқиши шовқини эшитилмоқда... Булутли хаво...*

## ҚИЗИЛИРМОҚ ҚЎШИҒИ

Ердан, кўкдан, тоғдан, тошдан,  
Чақмоқ сингари келармиз!  
Кичик сувлардан кўпайиб,  
Қизилирмоққа тушамиз.

Орқамизда тарихимиз,  
Қўшиқларла келамиз!  
Оқарми ирмоқ тескари?  
Дарё бўлиб оқамиз!

Тўсиқ бўлиб бу оқимни,  
Осонмидир тўхтатмоқ?  
Сабрлик билан кузатиб,  
Бу сувга қарши оқмоқ?

*Салим чўпон найини қўлга олиб, маюс бир куйни чалади... Чақмоқ чақади... Узоқлардан мамақалди роқ эшитилади... Пода безовта бўлади. Подани безовталигидан итлар ҳам хушёр бўладилар... Қора қўй (Қорақўйун) подадан ажралиб, Салим подачининг рўпарасига келади. Худди у чалаётган дартли куйини тинглаётандай чўпонга тикилиб туради... Бироздан сўнг, Салим най чалишдан тўхтайдди... Хавонинг бузулганига муносабат билдиради.*

**САЛИМ** - Сен бир қора қўйсан! Пода ичида ягона қора рангли қўйсан. Менга ёрдам беришинг керак... Гапир қора қўй, гапир! Нима қилиш кераклигини гапир! Бу ҳолтадан қандоқ қилиб чиқамиз?!

**ҚОРАҚЎЙУН:** - Мееее...

## ҚОРАҚЎЙ ҚЎШИҒИ

Мени отим Қорақўйун!  
Фарқли бўлиш қийин ўйин!  
Замон келар жазоланарман,  
Мен подамдан хайдаларман.

Замон келар бегоналашарман,  
Рангим учун ажрашарман.  
Замон келар калтакланарман,  
Мен подамдан ажраларман.

Ёлғонга қарши чиқаман,  
Ўйлаганимни айтаман.  
Тўққиз жойдан хайдалгаман,  
Мен подамдан ажраламан.

Хақиқатдан воз кечмасман,  
Дўстларимни ташламасман.  
Ёруғликка чиқиш учун,  
Қоронлуғга кўз юмасман.

Тўғрдир менинг йўлим,  
Вазифамдир инсонлигим.  
Куч бирликдадир биламан,  
Мен подамдан ажраламан.

Севги билан яшайман,  
Мазлумларнинг қулиман.  
Эртанги бахтли кун учун,  
Яна подамга қайтарман!

*Чақмоқ чақар, осмон гурулайди*

САЛИМ - Ёмғир ёғади Қорақўйун!  
ҚОРАҚЎЙУН: - Меееее!

*Салим подани бир орага йи-ишига киришади. Итлар хам унга “хирилаб” ёрдам беришади.*

САЛИМ - Ёмғир бошланмоқда... Тезроқ бўлинглар.  
ҚОРАҚЎЙУН: - Меееее!

*Қорақўйун поданинг ичига киради... Худди подани тезроқ бир орага йиғиб олиш учун ҳаракат қилаётганидай. Чақмоқ чақишида, мамақалдироқ гурулашида давом этади. Подашовқиндан безовта бўлади. Салим, Қорақўйун ва Итлар подани бир ерга йиғиб панароқ жойга олиб боришига интилмоқда...*

САЛИМ - Тарқаманглар! Бир ерга йиғилинглар! Халок бўласизлар!  
Тарқалманглар!!!

*Итлар тарқаб кетган қўйларни қайтаришига ҳаракат қилишади... Қорақўйун чорасиз Салимнинг олдига келади. Салим найини чиқариб чалишига киришади. Чақмоқ кучлироқ чақади. Мамақалдироқ гумбулайди. Ёмғир ёға бошлайди. Най куйини эшитган пода*

сокинлашади... Аста-секин ўртага йиғила бошлашади... Ёмғир шиддатлангани сари пода қўйлари бир бирларининг пинига кира бошлашади. Гўёки найнинг куйидан таъсирланиб қўйларбир жойга жипислашади. Қорақўйин подани ўртасида “меее”деганича ўз атрофида айланмоқда. Бироздан кейин пода Салимнинг най куйи орқасидан интизомли бўлиб юришида давом этишади. Итлар ва Қорақўйин ҳам Салимнинг ортидан бош эгиб кетаётган пода билан бирга итоаткорона юришади.

## Чордирнинг ичи

*Хатижа юнг (жун) йигирмоқда... Захро хаёлларга берилиб ўтирибди, гўё ёмғирдан таъсирланиб тушкунликка тушгандай...*

ЗАХРО - Эрталабдан бери ўтирибсан!

ҲАТИЖА - Нима қилай она?

ЗАХРО - Кўр бўлгур! “Мени она демагин”, демадим сенга? Орамизда неча йил фарқ бор? Бўлса бир-икки йил, холос... Мен сени отанга эрга тегдим, сенга она бўлганим йўқ...

ҲАТИЖА - Бошқа бундай демайман, она!

ЗАХРО - Атайлаб шундай айтаябсанми?

ҲАТИЖА - Билмай айтиб юбордим.

ЗАХРО - Опа де менга, опа де!

ҲАТИЖА - Хўп бўлади, опа...

ЗАХРО - Яна бир марта она десанг, онд ичаман, отанга айтиб дўпослатаман сени. Тушингдими? Эшитмаяпсанми? Мана кўрасан, отанг уйга келсин, сени бугун дўпослатаман...

Найнинг овози... Хатижани кўлидаги юнг тушиб кетади. Захро билан Хатижа олдинига Салимни, кейин орқасидан поданинг ўтаётганини кўришади. Захро Салимга махлиё бўлиб қарайди. Хатижа ўрнидан туриб Салимни меҳр билан кузатади... Хатижанинг бу харакатини Захро сезиб қолади.

ЗАХРО - Бор ишингни қил.

ҲАТИЖА - Опа!

ЗАХРО - Нима бўлди?

ҲАТИЖА - Хеч нарса...

ЗАХРО - Кийимларни ювуб қўйдингми?

ҲАТИЖА - Хали ювганим йўқ.

ЗАХРО - Яна нимани кутаяпсан?

ҲАТИЖА - Ёмғирнинг тўхташини.

ЗАХРО - Борақол... Кутма...

*Хатижа шошилганча кетади. Жимлик. Захро ўйланиб қолади. Подани кузатади. Кейин кутилмаганда ўрнидан туради.*

## Овул. Ўра

*Пода аста - секин ўра ичида жойлашади. Итлар кириш кисмини пойлашади. Ёмгир ёғида давом этмоқда. Баъзан чақмоқ чақиб, мамақолдироқ гулдирайди. Салим ўтин ёқиб, устидаги кийимларни қурутишга киришади. Захро қўлидаги сут челаги билан ўрага кираиб келади. Кираверишида турган итлар унга индамайди. Захро Салимни ҳаракатларини эхтирос билан кузатади. Уларга Қорақўйунинг кўзи тушади.*

### (ЗАХРО)

#### ТУТИЛИШ

Булут келар парча парча,  
Тўрти оқу, тўрти қора.  
Сен сийнамда очдинг яра,  
Дардимга топилмас чора.

Ох, бу қандай ошқ роббим,  
Салим бўлар энди мени ёрим!

Булутлар аралаш келар,  
Қалбим азобдан қийналар.  
Қанча яна кутаман сени,  
Қачон бахтли қиласан мени!

Ох, бу қандай ошқ роббим,  
Салим бўлар энди мени ёрим!

*Салим кимдир уни кузатаётганини хис қилади.*

САЛИМ - Буюринг опа...

ЗАХРО - Сут соғмоқчи эдим.

САЛИМ - Хозир вақти эмас опа...

ЗАХРО - Жахлимни чиқармоқчимисан..

САЛИМ - Нега?

ЗАХРО - Опа дема менга.

САЛИМ - Оғамнинг хонимисиз...

ЗАХРО - Опа дема!

*Салим бошини эгиб қолади. Подадаги бутун қўйлар, Қорақўйун ва итлар мароқ билан бўлаётган воқеани кузатишади.*

ЗАХРО - Сут соғмоқчиман... Қўйни ушлаб тур менга! Гапимни эшитмадингми? Бу қўйларнинг хаммаси меники... Мени хохлаганимни қилишга мажбурсан, Салим!

*Салим Захронинг бошқача қарашларини фахмлайди... Ўзини билмаганга солиб, подадан битта катта қўйни танлаб судраб келади. Захро соғиладиган қўйнинг орқасига ўтиб, ўзи билан олиб келган челақни, қўйни тагига қўйиб соғишни бошлайди... Ора-ора эхтирос билан Салимга қараб қўйяди.*

- ЗАҲРО - Махкамроқ ушла, соғдирмаяпди.  
САЛИМ - Ушляяпман, опа...  
ЗАҲРО - (Бақиради) Менга опа демаааа!  
САЛИМ - (Захронинг бақириви Салимнинг хамиятига тегади. У хам кескин жавоб беради) Нима дейман, бўлмасам?  
ЗАҲРО - Захро де мени...  
САЛИМ - Оғамнинг хотинини исми билан чақирив ярашадими?  
ЗАҲРО - (Овози титроқ олиб) Хаммани олдида опа дейсан бўлади... Аммо ёлғиз бўлганимизда... Захро десанг бўлади.

*Захро бу сўзлардан кейин ўзини тутуаолмай сутни оёғи билан туртиб юбориб айғдариб, оёққа туради. Салимнинг рўпарасига яқин келимб туради. Селимнинг қўлларини тутуди. Ишонч билан Салимга юзланади.*

- ЗАҲРО - Кўзларинг мени ахволимни кўрмаяпдими? Кўзларимга қара! Қара! Яхшироқ қара! Ёки мендан кўрқаяпсанми? Гапир, кўрқаяпсанми? (Хаёжон билан пичирлаб) Мен хохламайсанми? Ёқмайманми сенга? (Уст киймини, нимчасини учади) Сен мени... Менда кўрқаяпсан... Ёки сен хақиндаги гаплар тўғрими?  
САЛИМ - (Хаяжондан овози титрайди) Қанақа гаплар?!  
ЗАҲРО - “Салим эркак эмас экан...” дейишяпди. “Унинг кучига қараманглар, у аёлларга яқинлаша олмас экан...” дейишмоқда.  
САЛИМ - Ёлғон! Ким гапираётган бўлса, ёлғон айтибди!  
ЗАҲРО - Исботла ёлғон эканлигини...  
САЛИМ - Қандоқ қилиб?  
ЗАҲРО - Сен... Қалбим сенга ошиқаяпди... Мана бу бурчакка ўтайлик. Салим... Мени кучоғинга ол. (Салимни кучоқламоқчи бўлади) Кучоғинга ол мени, эркаклигингни исботла.  
САЛИМ - (Ўзини Захродан узоқлитиримоқчи бўлади) Хусайин оғамнинг хотинисиз.  
ЗАҲРО - Нима бўлибди?  
САЛИМ - У мени оғам бўлади. Мен оғамни чўпони ман.  
ЗАҲРО - Ахмоқ!  
САЛИМ - Қандоқ қилиб мен унга хиёнат қиламан?  
ЗАҲРО - Оғанг ёшини яшаб, қариб бўлган.  
САЛИМ - Лекин...  
ЗАҲРО - Мен йигирма беш ёшдаман... Хаммаси тенги тенги билан бўлиши керак. Мени англамаяпсан! Сен ишқингда қуюб адо бўлдим...  
САЛИМ - (Сўзини бўлиб) Оғамнинг хотинисиз!

*Захро газабланади... Салимга тарсаки туширади. Сут челагини олиб чиқаркан...*

**ЗАХРО** - Тентак!

*Салим биров вақт жим туради. Подага ва итларга қарайди. Уларнинг мароқ билан қараётган кўзларини кўради. Салим Қорақўйунга яқинлашиб, қолганларга буюруқ беради.*

**САЛИМ** - Хамма ўз иши билан овора бўлсин. *(Гўё дартлашгандай Қорақўйун билан подадан узоқлашади)* Эх, Қорақўйунум мени! Бу қандоқ иш бўлди, Қорақўйуним? Илгарилари, сезардим, у узоқдан кузатарди... Энди эса бутунлай ақлини йўқотиб қўйибди... Мен аслида Хатижани севаман. Мен Хатижага уйланиш йўллари кидирмоқдаман. Албатда Захро жуда хам гўзал аёл, хар бир эркакнинг қалбидан ўрин олади... Шайтон сал бўлмасам, “эркаклигини кўрсатиб қўй унга” деб мени ундай бошлаганди... Товба, тавба, тангрим ўзинг кечир мени... Гапларимни унут... Бу оғамга хиёнат бўлади... Бу Захро мени Хатижамга етишишимда тўсиқ бўлмайдами? *(Қорақўйунга)* Маслаҳат бер Қорақўйун... Бир чорасини топ, Қорақўйун...

**ҚОРАҚЎЙУН** – *(Кўлидан ҳеч нарса келмаслигини билдириб)* Меееее.!!!

**(САЛИМ:)**

**ТУГУН**

Хатижага етишиш учун,  
Жон куйдирганим маълум.  
Қурбон бўлай сен учун  
Бошқаси менга номахрам

Ох, Тангрим нима қилай,  
Шайтонни ичимдан отай.  
Севар эканман бирини,  
Бошқасига қандай қарай.

Орзуларим ичра юрибман,  
Ақл-хушимни йўқотибман.  
Хатижам қалбимда экан,  
Захрони нима қиламан.

Захро кет кўз ўнгимдан,  
Ихонатга чорлама мени.  
Сен ўз ғазабинг билан,  
Бахтсиз қилма бизни.



Тангрим ёрдам бер менга,  
Нима қилишимни айтгин.  
Фақат Хатижамни менга,  
Бир амаллаб насиб қилгин!

*Бу ерга аста - секин, овоз чиқармай Хатижа қўлида кир ювуш учун кийимларни олиб келади. Хатижа йиғлайди.*

САЛИМ - Нимадир бўлдими Хатижа?

ҲАТИЖА - Ортиқ чидай олмайман.

САЛИМ - Захро ми?

ҲАТИЖА - Бошқа ким ҳам бўлиши мумкин?

САЛИМ - Бу сафар нима қилди?

ҲАТИЖА - Бўлар бўлмас мен туртади, хақорат қилади... Бирон айибим бўлса майлига эди, хафа бўлмасдим... Хатто отамга ҳам мени ёмонлайверишдан тоймайди.

САЛИМ - Йиғлама! Яна бироз сабр қил... Бир иложни топамиз, шундайми Қорақўйун?

ҚОРАҚЎЙУН- Меееее.!!!

САЛИМ - Кўрдингми, хатто Қорақўйун ҳам хўп деди.

ҲАТИЖА - Олиб қоч мени бу ердан.

САЛИМ - Қаерга ҳам олиб қочардим Хатижам? Мен бундай ишга қўл уролмайман. Чўпонликдан бошқа иш қўлимдан келмайди. Оч-сарсон бўлиб юришни хохламайман. Сен оч қолиш нима эканлигини билмайсан. Ёт элларда, мен сени бахтли қила олмайман. Сени менга бўлган севгин тугайди.

ҲАТИЖА - Тугамайди, Салим... Мен сен билан бирга бўлсам, менга етади. Хар нарсага розиман.

САЛИМ - Сен оға қизисан, Хатижа... Хозир шундай деябсан, лекин кейин фикринг ўзгаради.

ҲАТИЖА - Оға қизи бўлганим учун мени хохламаяпсанми?

САЛИМ - Ха... Отанг сени менга бермайди!

ҲАТИЖА - Қаердан биласан, бермаслигини?

САЛИМ - Бермайди!

ҲАТИЖА - Беради! Чунки у менинг отам... Мени азоб чекишимни хохламайди... Мен хохлаганга рози бўлади. Эшитаяпсанми мени? Ўғай онамдан азоб чекишимни отам хохламайди... Албатда мени сенга беради.

САЛИМ - Айнан, ўғай онан хохламагани учун ҳам рози бўлмайди.

ҲАТИЖА - Ўғай онам мендан қутилиш учун ҳам рози бўлади.

САЛИМ - Агар орамизда ўғай онанг бўлмаганда, хаммаси балким сен айтгандай бўларди...

ҲАТИЖА - Тушунмаяпман... Нима демоқчисан?

САЛИМ - Бўлмайди... Керак эмас!  
 ҲАТИЖА - Нега?!  
 САЛИМ - Негалигини билмайман, лекин бўлмайди... У ёгини сен сўрама, мен гапирмай... Қўрақўйун сен айт, бўладими ёки бўлмайдими?  
 ҚОРАҚЎЙУН - Меееее.!!!  
 САЛИМ - Қўрдингми? Бўлмайди демоқда.  
 ҲАТИЖА - Аммо нима учун? Мен тушунмаяпман?  
 САЛИМ - Тушунмаяпсанми?  
 ҲАТИЖА - Йўқ... Сен мендан қутилмоқчи бўлаяпсан.  
 САЛИМ - Ундай эмас.  
 ҲАТИЖА - Ундай бўлса Қўрақўйундан сўрайлик.  
 САЛИМ - Қўрақўйун сен айт, ким хақ?  
 ҚОРАҚЎЙУН - Меееее... Меееее...  
 САЛИМ - *(Бироз ўйланиб)* Хатижа оға қизи, Салим эса камбағал чўпон йигит... Бой билан камбағал хеч қачон бирга бўла олмайди, деяпти.  
 ҲАТИЖА - Бу гаплар хаммаси тўғри эмас, бахона. Сен мени ёқтирмайсан, рости айтиб қўйя қол. Қорақўйун ҳам билсинки, мен ўз севгилимдан қайтмайман. Ёки сен мени севмайсанми, Салим?  
 САЛИМ - Қўрақўйун Хатижа ақлини йўқотиб қўйибди. Нахот мен уни қанчалар севишимни билмаса... Хатижа учун ўлишга ҳам тайёрман...

*Салим Хатижани бағрига олади...*

**(САЛИМ)**

*СЕВГИЛИМ*

Сен бир денгиз,  
 Мен бир балиқ.  
 Сувини олиб,  
 Кетармисан?

Сен бир ўрмон,  
 Мен бир қуён.  
 Яраланганман,  
 Даволайсанми?

Сен бир овчи,  
 Мен бир оху.  
 Ёқдинг жонимни,  
 Кетармисан ёху.

Мен бир ирмоқ,  
Сен бир қайиқ.  
Жўш урушдан  
Ботармисан .

Севгилимсан мени,  
Барча тўсиқларни,  
Биргаликда ўтамиз,  
Охири бахтли бўламиз.

*Яқинлашаётган отнинг овози эшитилади. Хатижа эшик томон чопади.*

САЛИМ - Ким у Хатижа?

ҲАТИЖА - Шабан. Иш бошқарувчи... Гапимиз бир ердан чиқсин,  
Салим. Мен бу ерга ўгай онамни қидириб  
келдим. Тушундингми?

САЛИМ - Тушундим.

*Хатижа ташқарига чиқади. Шабан киради.*

ШАБАН - Ассалому аллейкум!

САЛИМ - Воалейкум салом. Тинчликми Шабан оға?

ШАБАН - Кечга мехмонлар келади. Иккита кўзи кеарк.

САЛИМ - Кимлар келаркан?

ШАБАН - Али оға билан ўғли Мехмет... Лекин Хусейн оға бутун  
қишлоқни чақиришни айтди. Шунинг учун сен хисоб-  
китобни тўғри қил... Учта кўзи тайёрласанг яхши бўлади.  
Ўзинга маълум етмай қолса оғам норози бўлади.

САЛИМ - (*Эътироз қилмоқчи бўлади*) Ўзи бору йўғи 4 кўзимиз бор.

ШАБАН - Нима деган бўлсам, ўшани бажар. Учтасини сўйгин.

*Пода безовта бўлади. Итлар ҳам хуруллайди. Шабан бу ердан узоқлашаётган  
Хатижага ишора қилиб.*

ШАБАН - Нима иши бор экан бу ерда?

САЛИМ - Ўгай онасини суруштириб келган экан.

ШАБАН - Менга қара. Унга нисбатан, ҳаёлингдан бошқа бўлмағур  
фикрлар ўтмасин.

САЛИМ - Мен унга бошқача кўз билан қарамайман.

ШАБАН - Уни ким билади. Бу ер жуда ҳам иссиқ экан. Ташқарида  
ёмғир ёғмоқда. Ёз ёмғири. Бу ерларда ёмғир ва қуёш ёнма ён  
бўлади. Бироздан кейин қуёш ярқираб чиқади ва атроф қуп  
қуруқ бўлади. Иссиқликтан ерлар тақирга айланиб, хатто  
ёрила бошлайди. Биласан бу ернинг иссиғига ҳамма ҳам  
чидай олмайди... Хатижанинг ҳам бўйи етиб қолибди. Сен  
ҳам бепарқ эмассан, кўриниб турибди...

- САЛИМ - Мен бировга ёмонлик раво кўрмайман, оғам... Кўнглингиз тўқ бўлсин.*(Мавзунини бошқа томонга буради)* Билишимча қарз кейинга қолдирилибди.
- ШАБАН - Қаерддан билдинг?
- САЛИМ - Акс холда Хуссейн оға бутун қишлоққа зиёфат берармиди, Шабан оға.
- ШАБАН - Тўғри. Қарзлар қолдирилди. *(чиқади)* Қани менга ёрдам бериб юбор.

**(ПОДА:)**

### ПОДАНИНГ ҚЎШИҒИ

Тўғримиз, адолатлимиз,  
Биз ҳам яшамокдамиз!  
Сухбатлашаркан жиммиз,  
Бундай давом этмас, биламиз!

Бўлмайди десак, норозилар,  
Хатто тарсаки тушурадилар!  
Ҳакимизни ҳам олишадилар,  
Бундай давом этмас, биламиз!

Тўсиқларни енгиб ўтиш учун,  
Тинчликка ҳам етишиш учун!  
Бирлашишдир бунинг йўли,  
Бундай давом этмас биламиз!

- САЛИМ - *(Қорақўйунга)* Учта қўзини танлашимиз керак. Нима қиламиз? Қайсиларини танлаймиз?*(Салим Қорақўйунга узоқ тикилиб қолади. Унинг хафа бўлганини кўради)* Бошқа йўли йўқ. Оғамизнинг буюруғи. Қани ёрдам бериб юбор... Анқайма!

*Салим подадан керакли қўзиларни тутуши учун мўлжалини олади... Қорқўйин ҳам подани кузатади. Она қўйлардан бири ўз қўзисини яширишига ҳаракат қилади. Салим бу ҳолатни хис қилади. Подани ичини ёриб, халиги қўзини олишига ҳаракат қилади. Она қўй бунга қаршилик кўрсатади. Ораларида тортишув бошланади. Нихоят Салим қўзини Она қўйдан тортиб олиб, судраб кетаётганида бошқа қўйлар бунга қарши чиқишига ҳаракат қилишади.*

*Иккита ит Салимнинг олдига тушиб, қўйларни хайдаб, поданинг ичидан йўл очиб беради. Салим қўзини елкасига ташлаб олиб чиқади. Бироздан кейин “Бисмиллоҳ” деган Салимнинг овози орқадан эшитилади.*

*Салим такроран подани ичига кириб яна икки қўзини олиб чиқишига ҳаракат қилади. Унга Она қўзи қаршилик кўрсатади. Салим икки қўзичоқнинг қўрқув ичига тушганлигини кўрса ҳам, лекин ўз ишини давом этади. Бошқа қўйлар хали ҳамон қаршилик кўрсатишига ҳаракат қилишади.*

*Яна икки ит ёрдамга келади ва атрофни тинчлантормоқчи бўлишади. Салим икки қўзини қўлтиқлаб пода ичра юриб кетаётганида йиқилиб тушади. Подадаги қўйлар унинг устидан аламли кулишади. Бу фурсатдан фойдаланган бир қўзичоқ подалар орасидан чопиб орқароқ бир ерда яширинади.*

*Салим ўрнидан туриб яна ўз ишини давом этишга киришади. Буни кўрган қўйлар яна кўрқувга тушишади. Салим қўзичоқни қидиришига киришади. Атрофга сукунат чўкади. Керакли қўйни тополмагач, анча жахли чиқади. Қорақўйин Салимнинг асабийлашганини кўриб, унинг кўмак бериши учун ёнига келади. Салим кўппакларнинг ёрдами билан қўзиларни топади. Қўзичоқлар анча кўрқиб, хавотир ичра бир чеккага қисилишади. Салим бу сафар қатиятлик билан қўзини қучоғига олиб, наригисини олдига олиб боради. Қўйлар ҳаёжон билан бу ҳолатни кузатишаркан, Салимнинг “Бисмиллоҳ” деган овози яна эшитилади.*

*Салим яна подани ичига кириб, сўнги учунчи қўзичоқни қучоқлаб олиб чиқаркан, атрофдаги қўйлар унга нафрат билан қаршади. Салимнинг яна “Бисмиллоҳ” деган овози эшитилади.*

*Ташиқарида ёмғир ёғшидан тўхтаган. Бирдан ичкарига куёш нурлари сочила бошлайди. Қорақўйин бу бўлиб ўтган воқеаларда кимни айблашни билмай, кўзларини хаммадан олиб қочади. Қўйлар овоз чикармасдан инграшга киришади. Қорақўйин қолган ерида қотиб қолгандай турмоқда. Икки ит эса ҳар эҳтимолга қариши, подани олдини тўсиб, уларнинг тарқаб кетишига йўл қўймайди.*

## **(ҚЎЙЛАР:)**

### **ҚЎЗИЛАРГА АТАЛГАН**

Қўзини қўзига кўпайтирдим,  
Боримни бериб ўстирдим.  
Лекин сақлаб қолаолмадим,  
Сени қонли жаллотга сотдим!

Қора қуш осмонларда учар,  
Болаларини ёмондан кўриқлар.  
Мен сизларга бўлай қурбон,  
Қизилормоқ мени ўзига чорлар.

Осмонда булут, қор хавоси,  
Хатто булутнинг бор боласи.  
Қалбимнинг келар йиғлагиси,  
Қўзичоғим, қани унинг давоси.

Қўзичоғим мен матомдаман,  
Хеч нарсадан қувонмайман.  
Сени кўриш учун, розиман,  
Хар нарсадан мен кечаман.

Ох! Қўрақўйин, Қўрақўйин!  
Жигаринг ила бўлмас ўйин!  
Бу холимга биров тушмасин,  
Қўзичоғинг асло йўқолмасин!

Кимга керак бу манзара?  
Холатим расво бир қара.  
Бу холни кўрдим илк карра,  
Қалбимда қолди катта яра!

*Қўйлар худди келишиб олгандай, Салимга орқаларини ўгириб олишади.*

САЛИМ - (Қўрақўйинга) Мени бу холатга ачинмади, деб ўйляяпсанми?  
(Қўйларга қараб) Мени куюнмади, деб ўйлабсизларми? Бу  
бизни қисматимиз, пешонамизга шундай ёзилган.

*Жимлик. Лекин бу жимликда салимнинг каўзларидан ёшлар томади*

### **Хусейн оғанинг чодирининг ичи.**

*Қуёш ўзини иссғилигини билидириб турибди. Хаво жуда хам иссиқ. Олдинига Захро,  
кейин унинг ортидан Шабан ичкарига киришади.*

ЗАХРО - Хаммани олдида бундай нозик масалалр гаплашилмайди.  
ШАБАН - Гапирганим йўқ. Фақат айтадигандларим бор, дедим холос.  
ЗАХРО - Гапир...  
ШАБАН - Ўтовга кираётганимда у ердан Хатижа чиқиб келаётган экан...  
Шуни сенга маълум қилмоқчи бўлдим... Гўё Хатижа, сени  
излаб у ерга келган экан... У шундай деди.  
ЗАХРО - Нега мени у ерда қидирибди?  
ШАБАН - Билмадим... Бу ёғини Хатижадан сўраш керак.  
ЗАХРО - Эсингдан чиқмасин биз сен билан амакиваччамиз. Қолаверса  
сени, мен бу ерга олиб келдим.  
ШАБАН - Тўғри...  
ЗАХРО - Сени ақлинг жойида бўлгани учун, бир биримизга фойдали  
бўлади деб олиб келдим. Агар бугун яшашинг яхши бўлса, бу  
мени соямда, шундай эмасми? Бу холатни сендан бошқа биров  
кўрдими?  
ШАБАН - Мендан бошқа ҳеч ким кўргани йўқ.  
ЗАХРО - Бировга бу ҳақда гапирма!  
ШАБАН - Хўп бўлади.  
ЗАХРО - Агар биров билиб қолса...  
ШАБАН - Билмайди... Ўзи зўрға кун кечиришмоқда...  
ЗАХРО - Булардан хамма нарса кутиш мумкин.

- ШАБАН - Мен ҳам шуни билганим учун сенга вазиятни гапирдим.
- ЗАХРО - Хузур халоватим йўқолди. Мени унга бўлган меҳримга аҳамият ҳам бермади. Бу қиз фақат ўлган онасини кўришни хоҳлайди... Тезроқ бирор жойга унаштириб, бу ердан узоқлаштириш керак.
- ШАБАН - Шу Салимга узатиб юборсак, хаммаси жойига тушарди.
- ЗАХРО - *(Жахли чиқиб)* Бўлмайди!.. Салим бўлмайди!
- ШАБАН - Нега бўлмайди? Тўғриси, бир бирларига жуда ҳам ярашишади.
- ЗАХРО - Ярашмайди!!! Меҳметни кўрмадингми?
- ШАБАН - Али оғанинг ўғли Меҳметми?
- ЗАХРО - Ха... Уларнинг бу кеча нега бизникига чақиришди?
- ШАБАН - Қарзлари қолдирилгани учун.*(Кулимсираб)* Ёки...
- ЗАХРО - Нега бўлмасин? Бир-бирларига ҳам ярашишади.
- ШАБАН - Мана энди тушундим... Сендан хайиқиш керак, Захро. Кўрамиз бу иш нима билан тугаркин.
- ЗАХРО - Хаммаси мен айтганда й бўлади.
- ШАБАН - Бу ишонч қаердан.
- ЗАХРО - Меҳмет Захрони ёқтиради. Уни яхши кўриб бўлган. Хусейн оғага куёв бўлиш, бу жуда ҳам шарафли. Яна бир марта бир бирларини кўриб, келишиб олишсин, дедимда.
- ШАБАН - Хатижа нима деркан?
- ЗАХРО - Хўп дейди. Отаси рози бўлгандан кейин, Хатижа нима дея олади?
- ШАБАН - Кўнгилга буюруқ бера олмайсан... Хатижа йўқ деб туриб олсачи?
- ЗАХРО - Мен айтгандай бўлади!
- ШАБАН - Асабийлашма... Меҳметни бир оёғи оқсоқ бўлгани учун айтдимда.
- ЗАХРО - Нима қилибди, Меҳметга. Оёғини хисобга олмаса, бошқа ерлари хавас қилгудек. Отган тушиб оёғи майиб бўлган экан. Бу иш бўлади дедими, бўлади!

*Ташқарида отларнинг овози эшитилади. Захро билан Шабан чодир эшигидан ташқарига қарашади.*

- ЗАХРО - Бор, кутиб ол!

*Шабан чиқиб кетади. Бироздан кейин Хусейн оға билан бирга кириб келишади.*

- ЗАХРО - Ҳуш келдингиз, бек...
- ХУСЕЙН ОҒА - Ҳуш кўрдик... *(Ичкарига кириб ўтиради)* Тайёргарлик тамом-ми?
- ЗАХРО - Тамом.
- ХУСЕЙН ОҒА - Қўзичоқлар...
- ЗАХРО - Салим учтасини сўйиб, тайёрлаб қўйди.

ХУСЕЙН ОҒА - Яхши... Керак бўлса яна биттасини сўямиз... Оға қарзларимизни кейинга қолдирди... Мехмондорчилкни кам қилмайлик. Шабан сен бориб зиёфатга тайёргарликни назорат қил... Хатижа ёнимга келсин.

ШАБАН - Хўп бўлади, оғам! *(чиқади)*

ХУСЕЙН ОҒА - Хатижа қаерда?

ЗАХРО - Билмадим.

ХУСЕЙН ОҒА - Яна бирон нарса бўлдими?

ЗАХРО - Хеч нарса бўлгани йўқ...

ХУСЕЙН ОҒА - Айтавер...

ЗАХРО - Нимани айтаман? Кейин мени ўзимни айблайсиз...

ХУСЕЙН ОҒА - Ҳозир қаерда у?

ЗАХРО - Қаердан билай.

ХУСЕЙН ОҒА - *(Жахли чиқади)* Менга қара Захро. Мени жахлимни чиқарма! Яқинда эрга тегади... Сен бўлсанг хамиша, уни жазолашимга ундайсан..!

ЗАХРО - Сизнинча уни хеч хам айиби йўқ... Фақат мен айбдор, шундайми?!

ХУСЕЙН ОҒА - Ундай эмас! *(Сокинлашади)* Лекин сен хам бироз кечиримли бўлишинг керак. Хар нарсага ахамият берма. Яқинда бизлардан ажрашади...

ЗАХРО - Неча марта айтдим... Опа дегин деб, қайсарлиги тутиб Она дейди... Жахлимни чиқаришни хохлайди...

ХУСЕЙН ОҒА - Одати шундай... Зотан тенгкур хисобалансизлар... Нима бўлганда ҳам ёмон хотиралар билан биздан ажралмасин. Хар холда бугун эрта бизни тарк этади.

ЗАХРО - Нима демоқчисиз?

ХУСЕЙН ОҒА - Али оға ўғли Мехметни махтагани махтаган... Куни билан у ҳақда гапирди.

ЗАХРО - Хатижа хохламасачи?

ХУСЕЙН ОҒА - Нега хохламас экан? Бирон бир нарсани биласанми?

ЗАХРО - Кўнгил бу... Хохламаса, хохламайди...

ХУСЕЙН ОҒА - Мен рози, худо рози... Хатижа мени гапимдан чиқмайди. Сен бир нарсаларни биласан... Гапир нимадан шубхадасан?

ЗАХРО - Сиз Захродан сўранг-чи. “Онанг қўйлардан хабар олгани борганида нималар бўлди?” деб сўранг.

ХУСЕЙН ОҒА - Мени асабимни бузма, билганингни гапир!

ЗАХРО - *(Хатижанинг келатганини кўради)* Ўзидан сўранг! *(Чиқади)*

ХАТИЖА - Хуш келдингиз, ота.

ХУСЕЙН ОҒА - Хуш кўрдик, қизим... Захрони нега хафа қилдинг?

ХАТИЖА - Билмадим, нимадан хафа бўлади... Ўзидан ўзи “Она дема, опа дегин... Менга ёмон қарадинг... Менга қарши



гапирдинг... Гапимга кирмадинг...” деб менга дўқ уради. У хамиша бахона топади.

ХУСЕЙН ОҒА - Бундай давом эта олмайди, Хатижа. Бир кун хам жанжалсиз ўтмаяпти. Бир бирларинга душмандай бўлиб қолгансиз... Биринчи кундан сен ўгай онангни ёқтирмадинг.

ХАТИЖА - Қандай қилиб уни ёқтирай, ота? Онамдай инсондан кейин қандай қилиб бошқасини уни ўрнида кўрай... Кошкийди, мени хам ўзи билан қора тупроққа олиб кетсайди...

ХУСЕЙН ОҒА - Мен хам хохламадим, онангни ўлимини... Ўлим хақ. Онангни яшаши учун мен қўлимдан келган хамма нарсани қилдим. Мен уйланишга мажбур эдим, қизим. Ахир бугун-эрта сен хам турмуш қурасан, ўз оиланг бўлади. Мен яна ёлғиз қолишга маҳкум бўлардим, қизим.

### (ХУСАЙИН:)

#### ДАРМОНСИЗМАН

Қаердан бу киприкларимдаги ёшлар,  
Ёмғирлардан тўймас бу тупроқлар.  
Хотираларим юрагимда михланар,  
Қуёш ботаркан, жоним уйда қолар.

Мисли қуёш турар тепада бошим,  
Йўқ бўлибди хотиним, йўлдошим!  
Қолмади ёлғон дунёда мени ишим,  
Туғабди ёқилғим, оловсиз қолдим!

Булоғим қуриб, қолибман сувсиз,  
Икки букилиб, бўлдим қоматсиз!  
Дарё, тоғлардан ўтаркан холсиз,  
Охир қолдим йўлларда умидсиз!

Не қилай, оловим кўрсиз қолди,  
Етмишга хам ёшим етиб борди!  
Бахорим туғаб, қишим хам келди,  
Азроилни келиши чинга айланди!

Куч-қувватим, холим хам туғабган,  
Ёш аёлга уйланиш насиб этмаган!  
Бу дунёда орзу-мақсадим қолмаган,  
Шамолдан буюк чинорим йиқилган!

Ҳазонрезгидаги япроқлар сингари,  
Ёмғирдан тўймаган тупроқ сингари!  
Сочларимга оралаган оқ сингари,  
Парчаланиб, холсизланди юрагим!

ХАТИЖА - Отажон мен сизга қарши гапира олмайман... Лекин, билсизку...

ХУСЕЙН ОҒА - *(Асабийлашиб)* Керак эмас... Хаддингдан ошма! Мени сенга бўлган меҳримни йўқотма... Ўғай онангни хурмат қилишга мажбурсан! Сабр қиласан. Қолаверса, бу зиддиятларингда иккаларинг ҳам айбдорсизлар. Ахир сен ўғай онанга нафрат билан қарасанг, ундан аксини кутиш мумкин эмас. Олдин ўзинга қара, кейин бошқаларни айбла. Келишдикми?

ХАТИЖА - Мени кўлимда эмас, отажон... Онажонимни соғиндим... Тушларимда унинг ёруғ юзини, меҳр тўла сиймосини кўраман...

ХУСЕЙН ОҒА - *(Хаёжонланади. Лекин буни билдирмайди)* Тушиндингми?

ХАТИЖА - Тушундим ота...

ХУСЕЙН ОҒА - Бугун сен қўйларни кўргани бордингми?

ХАТИЖА - Ха, бордим.

ХУСЕЙН ОҒА - Хўш, нималар кўрдинг?

ХАТИЖА - Хеч нарса... Ёмғир ёғишига қарамай, отроф лой бўлса ҳам у ерга бордим.

ХУСЕЙН ОҒА - Хўш... Нима бўлди?

ХАТИЖА - Ўтовнинг олдидан ўтаётгандим, Салим акани кўриб кетай дедим... Қорақўйунни ҳам кўрдим. Ўтовдан чиқиб келаётгандим иш бошқаручингизни учратдим.

ХУСЕЙН ОҒА - Яна нима бўлди?

ХАТИЖА - Агар Қорақўйунни эркалатишимни хохламасангиз, бошқа бундай қилмайман.

ХУСЕЙН ОҒА – Майли бора қол қизим... Тайёргалик кўринглар...

*Хатижа чиқади. Шабан кириб келади*

ХУСЕЙН ОҒА - Тайёргарлик қандай кетаяпти?

ШАБАН - Хаммаси тайёр.

ХУСЕЙН ОҒА – Бирон камчилик бўлмасин.

ШАБАН - Бўлмайди, оғам.

ХУСЕЙН ОҒА - Масхарабозларни ҳам чақиргин. Бугунги зиёфат бошқача бўлши керак.

ШАБАН - Хўп бўлади, оғам...

ХУСЕЙН ОҒА - Салим нима қилди?

ШАБАН - Қўзиларни айтганингиздай тайёр қилди.

ХУСЕЙН ОҒА - Мени буни сўраганим йўқ... Бугун Хатижа билан бирга кўрган экансан.

ШАБАН - *(Шошиб)* Кўрдим оғам.

ХУСЕЙН ОҒА - Хатижа менинг қизим Шабан. Чўпон Салим ким? Нега мени қизим билан яқинлашади?

ШАБАН - Яқинлаша олмайди.

ХУСЕЙН ОҒА - Бўлмасам бундай гаплар қаердан чиқди? Қолаверса бундай “миш-миш”лар охир оқибат менинг зараримга ишламоқда... Мен хақимда хар хил бўлмагур гаплар тарқалса, бу менни асабийлаштиради Шабан. Бундан бу ён бундай гап-сўзларнинг тарқалишига йўл қўйилмасин... Тушиндингми?

ШАБАН - Мен бирон бир айб ишладим-ми? Оғам мен сизни хизматчингизман.

ХУСЕЙН ОҒА - Сенда айб йўқ. Бўлмасам сен билан бу ерда гаплашиб ўтирармидим? Нима қилиш керак бўлса қилиб, бу ишдан қутулайлик. Меҳмонларимиз келиши билан менга хабар беринглар. Ўзим кутиб оламан... Зеро зиёфат жуда хам узоқ бўлади.

ШАБАН - Амрингиз, оғам...

*Шабан чиқади... Хусейн дам олиш учун ён бошлайди*

## Қишлоқ

*Қуёш ботмоқда. Оловлар ёқилган. Улкан қозон қайнамоқда. Қўзичоқлар кабоб бўлмоқда. Салим ҳам шу ерда. Катта зиёфат учун дастурхонлар безатилган. Азиз меҳмонлар учун дастурхон ичкари қисимда, бошқаларга эса ташқарида хозирланган. Баъзи бир болалар энгилгина емаклардан таътиб туришибди. Хамма меҳмонларнинг келишини кутиб туришибди.*

## (ҚЎЙЛАР)

### ЭРКАКЛАР

Далаларда, тупроқларда,  
Ўрмонларда, йўлларда,  
Етти қават ернинг остида,  
Эркакчасига, ишлаймиз!

Туғулганлар севинтирар,  
Айбсизлик қувонтирар,  
Ота-оналармиз ғурланар,  
Эркакчасига, севиламиз!

Номус учун ўламиз,  
Махбус ҳам бўламиз,  
Ёр юртида дарбадармиз,  
Эркакчасига, тик турамиз!

Исканжалар биз учун,  
Золимларнинг ажалимиз!  
Гурбатлар ҳам биз учун,  
Эркакчасига, тик турамиз!

Зар отамиз қуморхонада,  
Курашамиз майдонларда,  
Тўқнашувлар, жангларда,  
Эркакчасига, тик турамиз!

Илгаз, Ориф, Илхон, Андай,  
Факир, Саит, Вали, Юнус,  
Усмон, Бекир, Васиф, Хасан,  
Мустафамиз, Субхимиз биз!

Қоражаўғлон, Нозиммиз,  
Ўрхон, Яшар, Пирсултонмиз,  
Али, Азиз, Насриддинмиз,  
Бўрқлюже ила Бадриддинмиз!

### **(ҚЎЙЛАР:)**

#### **АЁЛЛАР**

Далаларда, даштларда,  
Адирларда, ўтлоқларда,  
Чорсуларда, бозорларда,  
Аёллармиз, тик турамиз!

Дўконларда, расталарда,  
Ишхоналарда, йўлларда,  
Хоналарда, мутфоқларда,  
Аёллармиз, тик турамиз!

Тунги ишратхоналарда,  
Узоқларда, яқинларда,  
Кўчаларда, сўқоқларда,  
Аёллармиз, тик турамиз!

Туғамиз чақалоқларни,  
Ишлатамиз бешикларни.  
Катта қиламиз уларни,  
Аёллармиз, тик турамиз!

Биз Она ва эналармиз,  
Биз опа - сингиллармиз.  
Биз баракатли бўламиз,  
Аёллармиз, тик турамиз!

Биз қисқаси аёллармиз,  
Узундир сочларимиз.  
Эътиборсиз бўламаймиз,  
Аёллармиз, тик турамиз!

Албатда бордир чўзими,  
Тингланглар бу сўзими,  
Бирликтадир буни чўзими,  
Аёллармиз, тик турамиз!

- ШАБАН - *(Бироз жаҳил билан Захрога яқинлашади.)* Хусейн оға биласанми мендан нимани сўради?
- ЗАҲРО - Нимани?
- ШАБАН - Хатижаниг овулга борганини.
- ЗАҲРО - Мен индамадим.
- ШАБАН - Мен ёки сен айтмаган бўлсанг, унда Хатижанинг ўзи гапирдимми?
- ЗАҲРО - Шунга ўхшайди.
- ШАБАН - Агар бундай яширин кўришлар яна бир марта бўлса, мен ишсиз қоламан, тушунаяпсами?
- ЗАҲРО - Сизга ҳеч нарса бўлмайди. Мен билан бирга бир томонда бўлсангиз, сизга ҳеч ким тегмайди. Қўйинг у гапларни. Мени яхшилаб тингланг. Сиз Мехмет билан Хатижанинг бир бирлари билан кўришишларига ёрдамчи бўлинг. Бир бирларини яхши кўриб қолишлари керак. Агар хаммаси мен хохлагандай бўлса, сиз учун, хохлаган истагингиз муҳаё бўлади.

*Захро ва Шабан турли томонларга чиқишади. Қуёш ботиб бўлган. Қишлоқда гулханлар ёқилади. Тайёргарлик охирига етган.*

**КУЗАТУВЧИ:** - Келишяпди! Келишяпди!!!

*Қишлоқ аҳолиси бу қичириқни эшитиб, меҳмонлар келаётган томонни қузата бошлашади. Шабан шошилганча Ҳусейн оғанинг чодирига қараб чопади. Бироздан сўнг чодирдан бирга чиқиб келадилар.*

**ХУСЕЙН ОҒА** - Шабан, ёнингга бир-иккита кишини олиб, меҳмонларни қаршисига чиқиб кутиб ол.

*Шабан қўли билан ишора қилиб, икки кишини ўзи билан олиб, чиқиб кетади. Кексалар мажлисида иштирок этадиган уч киши Ҳусейн оғанинг ёнига келишади. Ҳусейн оға уларни хурмат билан кутиб олади. Бироздан сўнг олдида Али оға, ундан кейин ўғли Меҳмет ва сўнггида эса қуролланган қўриқчилар кириб келишади. Шабан Меҳметга сассиз бир нарсаларни тушунтиради. Шабан сал нарироқда турган Хатижага ишора қилади. Меҳмет катта бир севинч билан Хатижага қарайди... Кўзларини ундан узмай, юра бошлайди. Ҳусейн оға хурсанд бўлиб меҳмонларни кутиб олади. Ҳусейн оға ва Али оғалар кучоқлашиб кўришадилар.*

**ХУСЕЙН ОҒА** - Хуш келдиларингиз.

**АЛИ ОҒА** - Хуш кўрдик.

**ХУСЕЙН ОҒА** - Ташрифингиз бизларни ғурулантирди Али оға!

**АЛИ ОҒА** - Таклиф қилиб сиз бизларни ғурурлантирдингиз!

**ХУСЕЙН ОҒА** - Хуш келдинг ўғлим.

**МЕҲМЕТ** - (*Хатижадан кўзларини ололмай*) Соғ бўлинг Ҳусейн оға...

**1- КЕКСА** - Хуш келдингиз...

**2- КЕКСА** - Хурсанд қилдингиз...

**3- КЕКСА** - Бахтли қилдингиз...

**АЛИ ОҒА** - Соғ бўлинглар...

**ХУСЕЙН ОҒА** - Марҳамат қилинглар!

*Ҳусейн оғанинг қўли билан ишора қилган дастурхон томонга бирликта юриб боришади... Олдинига Али оға, кейин Меҳмет, ва бошқалар ўтиришади. Шабаннинг назоратида турли емаклар, ичимликлар олиб келинмоқда.*

**ЗАҲРО** - Хуш келдингиз.

**ХУСЕЙН ОҒА** - Мени хонимимни биласиз, оғам...

**АЛИ ОҒА** - Соғ бўлинг синглим... Албатда биладан оғам...

**ЗАҲРО** - Сен ҳам хуш келибсан, Меҳмет.

**МЕҲМЕТ** - (*Кўзлари Хатижада*) Соғ бўлинг.

**ХУСЕЙН ОҒА** - Қизим Хатижа...

**ХАТИЖА** - Хуш келдингиз...

**АЛИ ОҒА** - Хатижа қизимизнинг бўйлар етиб қолибди. Гўзал келин бўлибди. Мен сени кичкиналигиндан биладан қизим.

*Хамма кулади.*

**ХУСЕЙН ОҒА** - (*Кўлидаги қадахни кўтаради*) Хуш келдингиз... Бизларни ғурурлантирдингиз... Бир нарсалар айтмоқчиман... Али оға соғ бўлсин. Бизларга анча ёрдам берган. Бизни қўллаб қувватлаб, қарзларимизни тўлаш вақтини кейинга қолдирдилар. Бу қийин кунларда бизларни хар томонлама

ёрдам бераётганигиздан миннатдормиз. Дўстлик ришталарини боғлайдиган кунлар ҳам етиб келди. Соғ бўлсин Али оға!

*Қадахлар кўтарилади.*

АЛИ ОҒА - *(Кўлидаги қадахни кўтаради)* Бу бизни вазифамиз. Оғалик яқинларга ёрдам бериш, деганидир. Қолаверса, бўлган ишни эмас, бўладиган ишларни гапириш керак. Хаёт шундай... Ким билади эратага нима бўлади. Вақти келиб сен ҳам менга ёрдам берарсан. Соғ бўлайлик.

*Қадахлар кўтарилиб ичилади.*

ХУСЕЙН ОҒА - Ёқимли иштахалар.

АЛИ ОҒА - Ош бўлсин!

*Таомлар ейла бошланади. Мехметнинг кўзлари хамон Хатижада... Мехметга Хатижадан бошқалар кўринмайди. Бу муносабатни Захро сезиб, кузатади. Хатижа хам унига қарашларини хис этади. Бу қарашлардан безовта бўлиб, кўзларини олиб қочади. Али оға хам ўғлини Хатижага берилиб қарашини пайқайди. Бир бола Хатижанинг олдига келади.*

ХАТИЖА - Нима демоқчисан? Тезроқ гапир.

БОЛА - Хатижа опа, сизни сотишяпди...

ХАТИЖА - *(Хаёжанланиб)* Кимга?

БОЛА - Мехметга!

ХАТИЖА - Қаердан билдинг?

БОЛА - Ўғай онангиз билан Шабан оғанинг гапини эшитдим.

ХАТИЖА - Қачон эшитдинг?

БОЛА - Хали эшитгандим...

ХАТИЖА - Нега хамон менга айтмадинг?

БОЛА - Сизни тополмадим.

ХАТИЖА - Биров билмасин, хўпми?

БОЛА - Хўп бўлади, опа.

*Бола хамма учун ёзилган катта дастурхонга қараб чопади. Хатижа Салимни кўзалри билан қидиради. Кўради. Хатижа Салимга муҳим гап борлигини кўзлари билан ишора қилиб англатади. Хатижа хеч кимга билдирмай, дастурхоннинг четига қараб юради. Салим хам уни ёнига келади.*

САЛИМ - Нима бўлди, каклигим?

ХАТИЖА - Бу кеча мени бу ерда олиб қочиришинг керак.

САЛИМ - Нима бўлди?

ХАТИЖА - Мени Мехметга унашяпди.

САЛИМ - Қаердан олдинг бу гапни?

ХАТИЖА - Захро билан Шабан гаплашаётганини бизни болакай эшитибди. Хозир хабарини берди... Олиб кет мени, Салим. Бўлмасам хаммаси шу ерда тугайди.

САЛИМ - Олдинига мен сени қўлингни сўрайман... Агар беришмаса, ўшанда бир чорасини топамиз.

ХАТИЖА - Кейин кеч бўлади, Салим.

САЛИМ - Бу кеча сени қўлингни сўрайман. Мехмонлар олдида. Сен ховотир олма. Бор хамма билан билмагандай ўтир.

*Салим Хатижанинг кўзларига қараганча қотиб қолади. Унинг юраги бошқача ура бошлайди. Хатижа Салимдан узоқлашиб, билдирмай секин келиб ўз жойига ўтиради. Салим атрофдагиларга қарамай, нарироқ бориб болакайни ёнига чақиради. Бир нарсаларни у билан гаплашади. Болакай “тушундим” деб боши билан ишора қилади. Салим билдирмай, яна ўзининг ўрнига келиб ўтиради. Болакай 1-Кексанинг ёнига келиб, қулогига бир нарсаларни гапирди. Болкай туриб бошқа ерга ўтади. 1-Кекса аста секин ўрnidан туради. Атрофдагиларнинг хеч нарсадан хабари йўқ. Мехмет эса Хатижадан кўзларини узаолмайди. 1-Кекса Салимнинг олдига келади. Улар билдирмай, четга чиқишади.*

САЛИМ - Амаки кечирасиз, безовта қилдим.

1-КЕКСА - Безовтаси йўқ... Гапир дардинг нима?

САЛИМ - Шу кеча Хатижани менга беришларини сўранг.

1-КЕКСА - Бу кечами?

САЛИМ - Ха, бу кеча. Бўлмасам, кеч бўлади.

1-КЕКСА - Нега кеч бўларкан? Очикроқ гапир, нима гап ўзи?

САЛИМ - Агар шошилмасак, Хатижами Али оғанинг ўғлига унашади.

*1-Кекса аста секин бориб ўз ўрнига ўтиради. Олдинига сассиз ўтиради. Кейин, ёнидаги бошқа кексага бўлиб ўтган гапни айтади. У хам бошқа кексага гапириб беради. Кексалар ўзаро қизни Салимга сўрашни қарор қилишади. Бу орада Масхарабозлар майдонга чиқишга ҳаракат илишади.*

1-КЕКСА - (Баланд овоз билан) Хусейн оға бир тилагимиз...

*1-Кексанинг сўзи ярим қолади. Ўртага чиққан масхарабозлар ўзларининг томошасини бошлашади. Милтиқлар, тўпончаларнинг овози янграйди. Салим билан Хатижа томошанинг тугашини кутишмоқда. Мехмет эса хамон Хатижани кўзини узмай кузатади*

## **ТАКА ЎЙИНИ**

Тошли дала ёнмоқда  
Салим куёв дардидан.  
Пода азоб чекмоқда,  
Бошга келган синовдан.



Мен сенга келма дедим,  
Оқшомга қолма дедим.  
Катта дарвоза турганда,  
Томдан тушмагин дедим.

Яқин узоқдаги дўстлар,  
Салимга мадад бўлинглар.  
Бу дунё-ю, нариги дунёда,  
Бахтли бўлинг севишганлар.

Мен сенга келма дедим,  
Оқшомга қолма дедим.  
Катта дарвоза турганда,  
Томдан тушмагин дедим.

Пўртоқолим, гулларим,  
Йўл беринглар ўтайин.  
Хафа бўлди мендан ёрим,  
Энди мен нима қилайин.

Мен сенга келма дедим,  
Оқшомга қолма дедим.  
Катта дарвоза турганда,  
Томдан тушмагин дедим.

Бу тоғнинг ўтинини ,  
Ёққан билар ўрнини.  
Қизбола туққан оналар,  
Хатижа қўйинг отини.

Мен сенга келма дедим,  
Оқшомга қолма дедим.  
Катта дарвоза турганда,  
Томдан тушмагин дедим.

*Масхарабозларнинг ўйинлари тугайди.*

1-КЕКСА - (Баланд овоз билан) Хусейн оға!

ХУСЕЙН ОҒА - Нима бўлди?

1-КЕКСА - Бир тилагимиз бор сендан! Меҳмонларимиз бегона  
эмаслар. Қолаверса хайрли ишни хамминг олдида хал

қилиш савоб бўлади. Рухсат берсанг, бу хайрли масалани  
хозир хал қилсак.

*Жимлик*

ХУСЕЙН ОҒА – Хаммамизнинг қизиқтириб қўйдинг. Айтгинчи, нима экан  
бу хайрли иш?!

1-КЕКСА - Хусейн оға... Салим хақида нима биласиз?!

*Жимлик*

ХУСЕЙН ОҒА - Ўзимизни чўпонми?

1-КЕКСА - Ха.

ХУСЕЙН ОҒА - Яхши йигит... Мехнаткаш... Итоаткор... Яна гапани,  
ишини ўйлаб, билиб қилади.

1-КЕКСА - Биз ҳам шундай фикрдамиз.

ХУСЕЙН ОҒА – Нима демоқчисан?

1-КЕКСА - Битта камчилиги – камбағаллик. Айтгинчи Хусейн оға,  
камбағаликдан бошқа камчилиги борми?

ХУСЕЙН ОҒА – Йўқ!

1-КЕКСА - Хусайн оға, биз ҳам қизинг бўлган Хатижани яхши  
биламиз. Чиройли, тўғрисўз, яхшилик тилайдиган, бир  
қиздир. Қолаверса, Хатижанинг камбағаллик бир муамоси  
хам йўқ. Чунки қишлоғимизнинг бекининг ягона қизидир.

*Захро яхшигина безовта бўлади. Хусейн оға Захрони нимадир демоқчи бўлганини  
кўриб, унга жим туриши учун ишора қилади.*

ХУСЕЙН ОҒА - Гапираётган отахон “Кексалар мажлиси” мизнинг энг  
хурматли аъзоси. Ниятингизни очиқ ойдин гапиринг.

1-КЕКСА - Узун гапнинг қисқаси, Аллохнинг амри, пайғамбарнинг  
кавли билан Хатига қизимизни Салим ўғлимизга сендан  
завжаликка сўрамоқдамиз.

*Атрофда сассизлик*

ХУСЕЙН ОҒА- Нега Салимнинг отаси сўрамасдан сен сўрамоқдасан  
Хатижани?

1-КЕКСА - Салимнинг на отаси, на онаси бор. Хаммаси нариги  
дунёга кетишган. Шунинг учун бу вазифа бизларнинг  
бўйнимизга тушган.

ЗАХРО - Салим чўпон ким бўлибдики, Хусейн оғанинг қизини  
ўзига лоиқ кўрибди?

1-КЕКСА - Кўнгил қўйиб уйланишни хошлаш гуноҳ эмас, савобдир.

ЗАХРО - Хаммаси тенги тенги билан бўлиши керак.

ХУСЕЙН ОҒА - Сен аралашма Захро!

ЗАХРО - Қаерда бунақаси бўлган экан, бир бек қизини подачи чўпонга берганини. Бошқа йигит бўлганда бу масалани ўйлаб кўриш мумкин бўларди... Акс холда бундай иш Хусайн оғанинг шанига ярашмайди.

ХУСЕЙН ОҒА - *(Жахли чиқади)* Овозингни ўчир! Мени ишимга аралашма? Мен хали рози бўлганим йўқ?

*Захро зарда қилиб чиқиб кетади.*

АЛИ ОҒА - *(Фақат атрофидагиларга эшитилар қилиб)* Биз хохламасдан бу масаланинг гувоҳи бўлдик. Рухсат берсанг Хусайн оға биз ҳам ўз фикримизни билдирсак.

ХУСЕЙН ОҒА - Ақлдан ақл чиқар дейишади. Сизни фикрингиз бизга муҳим, марҳамат Али оға.

АЛИ ОҒА - Менга қара, Хусейн оға... Сени энг хурмат қилганинг “Кексалар мажлиси” аъзолари, сендан қизингни сўрашмоқда. Мени назаримда, рози бўлмаслик тўғри бўлмайди. Ахир кексаларга қарши чиқиб бўлмайди, қолаверса, ўзинг айтганингдай Салимнинг камбағаликдан бошқа камчилиги йўқ. Камбағаллик эса айб эмас. Сени харакатинг золимликка олиб келади.

ХУСЕЙН ОҒА - *(Жахли чиққанлигини билдирмай)* Буни қаери золимлик экан?

АЛИ ОҒА - Чўпон ёш йигит экан. Ёшларни хафа қилиш эса, оғаларга ярашмайди.

МЕХМЕТ - *(наст овозда)* Ота нима учун биз бу ерга келдик?

АЛИ ОҒА - *(наст овозда)* Жим бўл ва мени эшит.

ХУСЕЙН ОҒА - Яъни сизни фикрингизча қизимни Салимга бераверайми?

АЛИ ОҒА - *(Фақат уни эшитиш учун секин гапиради)* Сенга биров бер дедими, Хусейн оға?

ХУСЕЙН ОҒА - Бермасликка ҳам рози бўлмаяпсизку?

АЛИ ОҒА - Ишни кўзини билиш керак. Ҳам қизни бермаслик, ҳам куда томонни хафа қилмаслик керак.

ХУСЕЙН ОҒА - Сабирсизланаяпман, оғам.

АЛИ ОҒА - Салимга шарт қўй.

ХУСЕЙН ОҒА - Қанақа шарт?

АЛИ ОҒА - Бу чўпоннинг номи бизнинг қишлоқларда ҳам билишади. Жуда мохир подачи дейишади. Кўлар фақат уни айтганини қилишар экан. Айтишларича, чўпон найини чалса қўйар хатто икки оёқда юришаркан. Ёки ёлғонми?

ХУСЕЙН ОҒА - Тўғри айтасиз. Айнан шундай.

АЛИ ОҒА - Менинг фикримича эртага кун бўйи қўйларга фақат туш емак бериш керак, сув бермасдан эрталабгача ушлаш зарур. Кейин эрталаб чўпонни Қизилормоқнинг нариги сохилига ўтказиб, қўларни най чалиб сувдан ўтишга

ундашини талаб қилиш керак. Шарт шундан иборатки, қўйлар одатдагидай сув ичмай ўтишсин. Битта қўй ҳам сувсирамаслиги керак. Агар шунда ҳам бахсда ғолиб чиқса, унда келин унга халол бўлсин. Нима дейсан, Хусайн оға?

ХУСЕЙН ОҒА - *(Бир оз ўйланиб)* Жуда яхши шарт экан. Мен розиман.

АЛИ ОҒА - Шундай қилиб хохлаганинг амалага ошади. Хеч ким хафа бўлмайди.

ХУСЕЙН ОҒА - Айтганигиздай қиламиз.

АЛИ ОҒА - Менга қара Хусейн оға. Биз бу ерга еб-ичгани, кулиб ўйнагани келганимиз йўқ. Қизинг Хатижани ўғли Мехметга унаштиргани келдик. Бундай масаланинг пайдо бўлишини билмаган эдик. Бу муаммони зўрлик билан бажариш бизларга ярашмайди. Мен айтгандай муаммони хал қилсак, худди Қизилормоқнинг суви сингари тинч ва осойишталик бўлади.

ХУСЕЙН ОҒА - Агар шартни енгиб чиқсачи?

АЛИ ОҒА - Агар шартни бажарса, қизни унга беришдан бошқа йўли қолмайди. Лекин мен аниқ биламан, хаммаси биз хохлагандай бўлади. Қизилормоқ суви тескари оқса ҳам, Хатижа мени келиним бўлади.

*Жимлик. Мехмет отасига нималарнидир айтмоқчи бўлади. Али оға уни тинчлантиради*

МЕХМЕТ - Бу тузларни ким беради қўйларга...

АЛИ ОҒА - *(Баланд овоз билан)* Адолат топиши учун Салимга синов, шарт қўйяемиз. Қўларни сув ичтирмасдан Қизилормоқдан олиб ўтади. Агар битта қўй сув ичса Салим Хатижага лоик бўлмайди. Бу шартга хамма розими?

1-КЕКСА - Биз розимиз.

АЛИ ОҒА - Хусайн оға... Агар сен ҳам рози бўлсанг бу шартга, овқатдан кейин мени одамларим қўйларга туз едиришни бошлайдилар.

ХУСЕЙН ОҒА - Мен розиман.

1-КЕКСА - Синовчилар орасида мен ҳам бўламан.

АЛИ ОҒА - Чидаб, сабр қила оласизми уйқусизликка, қария?

1-КЕКСА - Қарияларга уйқи ортиқчадир. Чунки яхши тушунамиз, яқин йилларда тупрокқа аралашиб бутунлар уйқуга кетамиз.

ХУСЕЙН ОҒА - Салим!

*Салим келади. Мехмет салимга худди душманга қарагандай қарайди. Салим билан Мехмет бир бирларига тикилиб қолишади.*

ХУСЕЙН ОҒА - Сени хурмат қиламан, йигит... Сенга ишонаман... Нима бўлганда ҳам подамнинг чўпонисан... агар ишонмасам

сенга шундай вазифани ишонармидим. *(Гўё бироз ўйлангандай бўлади)* Сендай бир йигит мени қизимга ўйланмоқчи экан-у, мен рози бўлмайманми? Шундай катта подани ишонган одамимга, қизимни ишонмайманми?

САЛИМ

- *(Салим Хусайн оганин қўлларидан ўпмоқчи бўлади.)* Оғам соғ бўлинг!

ХУСЕЙН ОҒА

- *(Қўлларини ўптирмоқчи бўлмай, тортиб олади)* Билганингдай битта шартимиз бор. Шартни бажарсанг, қизни албатда оласан. Агар бордию, бажара олмасанг... Пешонам экан деб, қизни унутасан. Келишдикми? Эртага пешинда, қуёш қоқ теппамизга келганда бахс бошланади. Сен сувнин нариги томонида туриб найингни чаласан, қўйлар сувдан ўта бошлашади, лекин биттаси ҳам сув ичмаслиги керак. Шарт шу. Агар бу шартни бажара олмайман десанг, хозирдан айта қол. Нима дейсан?

*Қўйларнинг олдига келади. Биттадан қўзларига қараб чиқади. Қўйлар бирин кетин Салимга орқасини ўгиради.*

САЛИМ

- Синаб қўраман оға...

### ***(МЕХМЕТ:)***

#### **МЕХМЕТНИ ҚЎШИҒИ**

Бойликнинг фойдаси бўлмас,  
Агар соғлом эркак бўлмасанг.  
Гўзал сени ҳеч ҳам танламас,  
Агар оёғингдан оқсоқ бўлсанг.

Ох, оёғим, мени оёғим!  
Нега оқсайсан бунча?  
Бошимни ночор эгдириб,  
Нега қийнайсан бунча!

Бу қизни олишим керак,  
Нима қилиб бўлса ҳам.  
Ёр қилмасман Салимга,  
Шартини бажарса ҳам!

Пастга урма ўзингни,  
Сен булардан бойсан.  
Дадил бўл оч кўзингни,  
Сен ўз ниятингга етасан!

Никох бўлиш учун мен,  
Хийламни ишга соламан.  
Қизга уйландими мен,  
Мен энг бахтли бўламан.

## Пода

*Пода сассиз нима бўлишини кутмоқда. Худди матом кундай сассиз. Чўпон итларидан бири кириверишни қўриқламоқда. Қорақўйун алохида жойда турмоқда. У хам жуда ранжиган... Чўпон кириб келади. Салим ҳам хафа, бўладиган ишлардан хавотирда. Қайси қўйга яқинлашса, ўша қўй унга орқасини қилиб олади. Бу хол бошқа қўйлар билан хам юз беради. Қўзилари сўйилган қўйлар хам чўпонга нафрат билан қарайди. Чўпон охирги марта Қорақўйинга мурут қилмоқчи бўлади.*

САЛИМ - Қорақўйунум... Пода, қўйларим мендан аразладими, қорақўйунум... Нега жимсан? Ёки сен хам мендан хафамисан?

ҚОРАҚЎЙУН - Меееее!

САЛИМ - Сен буларга тушунтирмадингми, кўзичокларни сўйишга қарши бўлсам хам, ҳеч нарса қилаолмасдим. Бу буюруқ оғадан келганди. Бу ҳақда сенга такрорлашдан чарчадим. Мен хам бу ишлардан ранжидим. Мени бу ерга нега келганимни билсанми, Қорақўйун? Бироздан сўнг бу ерга қопларда тузлар олиб келишади. У тузларни сизларга едиришади. Эртага пешингача сизларга фақат туз едиришади. Бир томчи хам сув беришмайди. Пешинда мен дарёнинг нариги соҳилида найимни чалганимда, барча қўйлар сувдан нариги қирғоққа ўтишга киришадилар. Энг муҳими сувдан ўтаркан, бир ютум хам сув ичмасликлари керак. Сен хам улар билан сувдан ўтасан Қорақўйун. Агар шартни енгсам, оға қизини менга беради. Агар биронтаси бир ютум сув ичса, мен севгилимдан ажарашаман... Тушунтираолдим-ми, Қорақўйун? *(Паст овозда)*  
Буларга вазиятни тушунтиргин, менга ёрдам беришсин.

Қўйлар бир бирларига қарашади... Айниқса кўзичоклари сўйилган она қўйларнинг қарашлари бошқача эди. Қўйлар, гўё чўпондан аламларини олишга имкон туғулганлигидан хурсанд эди. Поданинг ичида “Эртага ахволингни кўрамиз сени

чўпон” деб ўйлаганлар ҳам бор эди. Қорақўйун чўпонга ёрдам бергиси келарди, лекин кўйларнинг кўпчилиги чўпонга қаршга тайёрланишмоқда

## САВОЛ

Сен каби бир йигитга,  
Жалод бўлиш ярашадими?  
Яқинлар билан яшашга,  
Хар томонлама курашадими!

Чўпон Салим сен биздансан,  
Нега бизга хиёнат қиласан?  
Яқинларинга орқангни қилиб,  
Бизга жуда азоб берасан.

Гапинг ўтган жонзотларга,  
Нега жаллодлик қиласан?  
Хиёнатда бўлсанг дўстларга,  
Қандай марҳамат тилайсан?

Қасоб бўлиб жон олдинг,  
Оналарга кўп азоб бердинг.  
Пушаймон бўлишга не хожат,  
Бу ёмонликни ўзинг қилдинг!

**САЛИМ** - Мени сизларга бутунлай айбсизман деяганим йўқ. Балким чўпонликни ташлаш мен учун энг яхшиси бўлар? Мен айтиб кўяй бу шундай бўлган ва шундай давом этади. Подада кўзичоқлар бор экан, улар сўйилади. *(Кўйлар чўпонга қараб бошларини силкитишади. Бир бирларига қараб “Бизни яна лақилатмоқчи бўлаяпти” дейишигандай ишора қилишади.)* Хар бир жамоанинг бошқарувчиси бўлиши керак. Сен Қорақўйун уларни орқангдан бошқара оласан. Лекин шуни ҳам унутмаки, якка ўзинг хеч нарсани эплай олмайсан.

*Чўпон ташқарига чиқмоқчи бўлиб турганида, Захро кириб келади. Салимнинг қаршисига чиқади.*

**ЗАХРО** - Бу ишдан воз кеч!

**САЛИМ** - Нега опа?

*Захро бир кўли билан Салимнинг кўлини ушлайди. Иккинчи кўли билан тахта кутини беради.*

**ЗАХРО** - Оч! Оч шуни! *(Ўзи кўли билан кутини очиб ичидаги олтин дурлар, кимматбахо тошларни кўринади)* Ол. Буларнинг барчаси сеники

бўлсин. Хатижадан мен чиройлиман, мендан сенга фойда кўп.

САЛИМ -Тавба опа, тавба!

*Захро кутини ерга улоқтиради. Ақлдан озгани сингари чўпоннинг бўйинга осилади.*

ЗАХРО - Агар менга уйланмасанг, сени хам ўзимни хам ўлдираман.

*Қорақўйун чўпонга раҳми келиб, унга ёрдам бермоқчи бўлади. Чўпон Захрони қўлларидин қутилишига ҳаракат қилади.*

САЛИМ - Разил бўламиз, уяттга қоламиз опа. Эрингизни ор-номусини ўйламасизми, опа. Кет бу ердан... Кет...Бу разолат...

ЗАХРО - (Салимнинг оёқларига йиқилиб, ёлворади) Хатижани севаман деяпсан. Ундай бўлса севги қандоқ бўлишини яхши биласан. Сени қанчалар севишимни кўрмаяпсанми? Сени жонимдан ортиқ севаман... Сени хохлайман... Мени олиб кет бу ерлардан... Хамма нарсам сеники бўлсин. Сенсиз ўламан мен. Мен ўлсам, сен виждон азобида тугайсан... Бу зулумни менга хам, ўзинга хам қилма...

**(ЗАХРО:)**

## ДЕВОНАМАН

Ёндим, куйдим вайронаман!  
Ёрим қўлларида бечораман!  
Мен севдим аммо севилмадим,  
Ночор бўлиб, энди овораман!

Боҳчамда гуллар очилибди,  
Булбуллар сайрай бошлабди.  
Қўйнимда сийнам парчаланган,  
Мен бўлдим бечора, девонаман.

Омон, омон энди мен на қилай,  
Бошимни олиб бу ердан кетай.  
Бу кўнглим муродига етаолмай,  
Ночор бўлиб, энди овораман!

Бировлар олар мени бахтимни,  
Лаънат бўлсин бу мухаббатимга.  
Ғамга босдим мен юрагимни,  
Мен бўлдим бечора, девонаман!



*Поданинг ётган ерига Оганинг йигитлари ош тузи тўла қопларни олиб келишади. Захро қўлидаги кути билан ташиқарига чиқади. Бироздан сўнг бу ерга Шабан бошчилигида бошқалар келишади. Кейинроқ эса Али оға, Хусайн оға ва Мехметлар келишади. Хар томонда машъалалар ёқилади. Бутун қишлоқ ахолиси бу ерга йиғила бошлайди. Йигитлар қоплардаги тузларни қўйларга тарқатишади. Қўйлар ҳам тузларни ейишга бошлашади. Ўзининг одамларига баланд овоз билан буюруқ беради.*

АЛИ ОҒА - Бу кеча уйку йўқ. Подадан узоқлашмайсизлар.

Тушунарлими?

1-ЙИГИТ - Тушунарли оғам!

2-ЙИГИТ - Тушунарли!

БОШҚАЛАР - Тушунарли!!!

ХУСЕЙН ОҒА - *(Али оғага)* Дам олсангиз бўларди, оғам.

АЛИ ОҒА - Биз энди борайлик Хусейн оға...

ХУСЕЙН ОҒА - Бу кеча шу ерда қолсангиз бўларди.

АЛИ ОҒА - Бу ёғини ўзингиз бошқаринг... Мени бошқа ишларим бор. Лекин, тўғриси, бу шартнинг натижаси мени жуда ҳам қизиқтирмоқда.

ШАБАН - Натижа маълум. Сиз кутгандай бўлади.

АЛИ ОҒА - Бизни эртага келишимизни кутинглар. Мен ўзим шахсан гувоҳ бўлмоқчиман.

ХУСЕЙН ОҒА - Албатда сизни келишингизни кутамиз

АЛИ ОҒА - Пешинга қолмай шу ерда бўламан.

*Олдинига Али оға ва Мехмет чиқишади, сўнгра Хусейн оға кетидан бошқалар ҳам тарқалишади. Факат синов қилувчилар, хакамлар қолишади. Ой шуллеси ва машъалалар остида йигитлар қўйларга туз беришда давом этади.*

### **Хусейн оғанинг чодирини олди**

*Хусейн оға стулда ўтирибди, Шабан оёқда турибди. Ёнларида чўпоннинг итларидан бири. Хусайн оға қозога тамакени ўраб чека бошлайди.*

ХУСЕЙН ОҒА - Бу яна қанақа кутилмаган иш бўлди...

ШАБАН - Нимани назарда тутаяпсиз?

ХУСЕЙН ОҒА - Мана шу шарт қўйиш ишини айтаяпман.

ШАБАН - Менимча бу жуда ҳам тўғри иш... Али оға ўғлига Хатижани сўрганлигини билиб туриб, бу ишнинг ўртага чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ХУСЕЙН ОҒА - Қизимни келин қилиш ниятлари бор экан, нега олдинроқ ҳаракат қилишмади? Осонгина бериб юборардик, хаммаси бахтли бўларди.

ШАБАН - Менга қолса Кексалар хамма ишни чалкаштириб юборишди.

- ХУСЕЙН ОҒА - Тўғри. Улар бирлашиб чўпони уйлантиришмоқчи бўлишган. Сен нима деб ўйлайсан, чўпон шартни бажара олармикан.
- ШАБАН - Мумкин эмас...
- ХУСЕЙН ОҒА - Пода унга тобе экан.
- ШАБАН - Билмадим оғам... Бу Салимдан хар нарсани кутса бўлади.
- ХУСЕЙН ОҒА - Мен унга “Воз кеч бу ишдан” дейишимга қарамай, қайсарлиги тутиб, “мен бу шартни бажараман” дейди. Эртага нима бўлса бўлсин, Салимни чўпонликдан хайдайман. Сен эртагача Салимнинг ўрнига бошқа чўпонни топгин... Борди-ю, чўпон шартда ғолиб чиқса, унда нима бўлади?
- ШАБАН - Оғам кўнглингиз хотиржам бўлсин... Хеч бир жонли зот бунча туз егандан кейин сув ичмай туролмайди.
- ХУСЕЙН ОҒА - Миллиондан бир иконият бўлса ҳам, борди-ю ғолиб бўлди. Унда нима қиламиз, сен шуни айт менга.
- ШАБАН - Бир камчилигини топамиз... Ўйинни бузамиз... Бошқа шарт қўямиз...
- ХУСЕЙН ОҒА - Уят бўлади. Адолатсизлик-ку бу.
- ШАБАН - Аслида уят ҳам, адолатсизлик ҳам оғанинг қизини бир чўпонга эрга беришдир. Яхшиси бориб бироз дам олинг. Анча чарчадингиз...
- ХУСЕЙН ОҒА - *(ичкарига қиради)* Иншаллох адолатсизликгача бормайди...  
*Хатича билдирмай ташқарига чиқади. Узоқ вақт ташқарида бир четда ўтиради.*

**(ХАТИЖА:)**

**ҚОРА СЕВДА**

Қора сандикни очмадим,  
Келинлик сарпони олмадим.  
Жабр бўлди ёшлигимга,  
Чўпон билан қочмадим.

Бўлмасайди бу ишлар,  
Пода тузларни емасайди.  
Энди нималар бўлар,  
Бошга тушгани кўз кўрар

Сочимни учга бўлдилар,  
Бўлиб-бўлиб ўрдилар.  
Ёрим насиб қилмасдан,  
Қўл қанотим синдирдилар

Сувни ичса қўйлар,  
Кўрамиз нима бўлар.  
Мозоримни қизлар қазисин,  
Олтин кумуш кетмон билан.

*Хатижа бир чекада маюс ўтиришида давом этади.*

### ***Пода ётган жой***

*Бир йигит тўхтамай қўйларга туз ташлаш билан овора... Туз қопларидан биттаси тугаган. Атроф туздан бутунлай оқариб кетган*

1- ОДАМ - Иккинчи коп ҳам бўшашига озгина қолибди. Тушунмай мазза қилиб буларнинг тузни ейишини қаранг. Нима чўпонларингизда кастингиз борми?

*Салим ичкарига сассиз кириб ниманидир излайди.*

2- ОДАМ - Тугай деб қолдимиз?

1- ОДАМ - Мен тўхтамай тузларни сепмоқдаман, қўйлар ҳам тўхтамай ейишмоқда...

2- ОДАМ - Хайвонларнинг жохили қўй бўларкан... Булар тентакликдан тузларни ейишапди...

САЛИМ - Ассалому аллейкум...

1- ОДАМ - Вааллекум асалом

2- ОДАМ - Сен ухламадингми?

САЛИМ - Бу ахволда ухлаб бўладими? Эртага шундай муҳим иш турганда ухлай олмайман.

2- ОДАМ - Шу тентакларга қара нима бўлишини билма тузларни тўхтамай туширишмоқда.

САЛИМ - Бугун учта кўзичокни сўйдим...

1- ОДАМ - Менга қара оғайни, бориб озгина ухлаб ол. Тонг отиши ҳам яқинлашиб қолди. Куч тўплагинки, эртага найни яхшилаб пуфлагин.

*Салим борган сари умидсизланмоқда. Шафақ отиб қуёш чиқмоқда*

## ПУШАЙМОНМАН!

Дедим: “Бўйин эгманг сиз,  
Томиримиз, қонимиз бир.  
Бирлашармиз ҳаммамиз...”  
Сўйдим қўзиларни барибир!

Ох, мен нима қилдим тангрим?  
Қилган ишим пушаймонлик!  
Қўзиларни сўяркан хато қилдим,  
Бу хиёнатга қўл урдим, шўрлик!

Чақалокдай қўзиларни сўйдинг,  
Ўз дўстларинга хиёнат қилдинг.  
Юраклари яраланди оналарнинг,  
Бу хиёнатга қўл урдим, шўрлик!

Умид билан яшадик биз,  
Бирга бўлдик кеча кундуз.  
Янгидан очилар ишонамиз,  
Бахтли хаёт учун йўлимиз,

### ( ҚОРАҚЎЙУН : )

Салимнинг пушаймонлиги,  
Ёлғон эмас, ҳақиқатдир.  
Шартни бажаришга келганда,  
Ғолиб Салим эмас подадир!

Бир биримизга суяниб дўстлар,  
Қизилормокни сузиб ўтамиз.  
Бирлик ва адолат учун бизлар,  
Сабр билан ҳаракат қиламиз

Ишондик бу ишга бизлар,  
Умидимиз ҳеч сўнмасин.  
Сувдан ичмаймиз бизлар,  
Ҳаракатимиз зое кетмасин.

## Кичик оқар сув

Қишлоқ ахли шартнинг бошланишини кутмоқда. Пода хам, итлар хам кутмоқда. Хатижа, Захро, Хусейн, Шабан кутмоқда. Салим хам кутмоқда. У бутундай махзун бўлиб, ишончсиз ўтрмоқда... Хамма Қизилормоқни қиргогига кетишмоқда...

Али ога ва Мехметлар хам айтилган пайтга етиб келишди. Мехмет яна Салимдан кўзини узмай қарайди. Али ога Салимни қарши ёқага ўтишни қўли билан ишора қилади. Салим умидсиз бўлиб Хатижага қарайди. Қорақўйун ва бошқа қўйлар уларнинг бир бирлариги тикилиларини кузатишади. Салим сувнинг нариги қиргогига ўтади. Баландроқ ерга чиқиб ўтиради. Найни олиб, чалишга бошлайди...

Қорақўйун ва пода най овозини тинглай бошлайдилар. Қорақўйун бошқа қўларнинг орасида айланиб, уларни огохлантиради. Пода оқар сувга қараб юра бошлайди. Биринчи бўлиб сувни Қорақўйун ўтади. Бошқа қўйлар хам аста секин Қорақўйуннинг орқасидан сувдан ўта бошлайдилар. Сувдан ўтганлар Салимни ёнига бориб ётишади...

Охирги қўй хам ўтади. Қорақўйун Салимни ёнига бориб туради. Қорақўйун ва бошқа қўйлар Салимнинг най чалишини мазза қилиб тинглашади. Али ога ва Хусейн шошиб қолган. Мехмет газабда... Захро эса паришон... Салим най чалишдан тўхтайдди.

1 – КЕКСА - Бу иш ўз ниҳоясига етди... Хусейн оғанинг шартини жойига келтирдинг. Хатижа энди сеники...

*Хатижа чопиб Салимни қучоқлайди.*

МЕХМЕТ - Ота!!! Бу иш бўлмади.  
АЛИ ОҒА - Энди бу масаларни тортишадиган пайт эмас.  
МЕХМЕТ - Билардингизку, шу қизни хоҳлаганимни.  
ХУСЕЙН - Айб ўзингизда... Тезроқ масалани хал қилиш керак эди.  
АЛИ ОҒА - Бундай бўлишини билмаган эдик...  
ШАБАН - Чой олиб келдим оғам.  
ХУСЕЙН - Эрталабгача роса ўйлаб чиқдим. Бундай ахволда нима қилиш мумкинлигини... Охири тушиниб етдимки, иккаласидан бири ўлиши керак.

Мехмет аста секин ёнидаги тўпончани чиқаради. Буни кўрган Қорақўйун Салимни сақлаб қолиш учун уни ўз вужуди билан қўрийдди. Мехметнинг отган ўқи Қорақўйунга тегади. Мехмет отишда давом қилади. Бошқа қўйлар хам Салим учун ўлишга тайёр бўлиб, уни олдини тўсадилар ва ўзлари халок бўлишади. Бу орада қўйлар икки оёқларига туриб, аста секин инсонга айланишади. Али ога ўглининг қўлидан тўпончани тортиб олади. Сувнинг бу томонида Али ога, Хусайн ога, Мехмет, Шабан, икки ит ва Захролар қолишади...

## ҚИЗИЛИРМОҚ ҚЎШИҒИ

Ердан, кўкдан, тоғдан, тошдан,  
Чақмоқ сингари келармиз!

Кичик сувлардан кўпайиб,  
Қизилормоққа тушамиз.

Орқамизда тарихимиз,  
Қўшиқларла келамиз!  
Оқарми ирмоқ тескари?  
Дарё бўлиб оқамиз!

Тўсиқ бўлиб бу оқимни,  
Осонмидир тўхтатмоқ?  
Сабрлик билан кузатиб,  
Бу сувга қарши оқмоқ?

Бизни саноғимиз йўқ,  
Сўйилиб тугамаймиз биз.  
Бирлигимиз йўқ бўлмасин,  
Зулумга қарши бўламиз биз.

Хаётимиз азоб бўлса хам,  
Сўйилиб тугамаймиз биз.  
Хар қандай тўсиқларни хам  
Қўрқмай мардонавор ўтамиз

Унутманглар шуни дўстлар,  
Ўз манзилимизга борамиз.  
Жангсиз, қонсиз курашиб,  
Золимларни хам енгамиз!

*ТАМОМ*

1 Ekim 2013, İstanbul.

*Тошкент-2018, 20 – май.*